



# XALQ DEPUTATLARI UCHQO'RG'ON TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 4 - fevral

VI-44-11-6-87-K/22

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра “Ғолиб” таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил қилиб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 17 апрелдаги 120/28-06-сон қарори ва унга асосан туман Ишчи гуруҳи таркиби, маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ушбу тадбирлар учун ҳозирги кунга қадар бир қатор ишлар амалга оширилди.

**Жумладан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ–5072-сонли қарорига мувофиқ, Учқўрғон туманида фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар бўйича таклифларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **1 млрд 037 млн сўм**

маблағ шакллантирилганлиги, Молия вазирлиги томонидан очилган Очик бюджет (openbudget.uz) порталида 2021 йил 1 июлдан 1 августга қадар бўлган даврда туман фуқаролари томонидан жами 105 857.0 млн. сўмлик 405 та таклиф киритилганлиги ва Ишчи комиссиянинг 2021 йил 6 августдаги № 7-сонли йиғилишида ушбу таклифлар комиссия аъзолари томонидан лойиха қийматлари қайта кўриб чиқилиб, 34 та таклиф такрорий бўлганлиги, 2 та таклиф бюджет ташкилотини 2019 йил обод қишлоқ дастури доирасида ишлар амалга оширилганлиги ҳамда қолган 8 та таклифда шахсий манфаатдорлик бўлганлиги сабабли рад этилганлиги ҳамда рад этилган таклифлар бўйича таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилган.

Танлаб олинган 97 млрд. 067 млн. сўмлик 361 та таклифлар, жамоатчилик ўртасида йигирма кун давомида овоз бериш жараёнига рухсат берилган ва овоз бериш жараёни 2021 йил 12 августдан 2 сентябрга қадар этиб белгиланган.

Фуқаролар томонидан овоз бериш жараёнига рухсат этилган, 361 та таклифдан 79 тасига жами 6 185 та овоз берилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очик бюджет ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган таадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарори билан Республика бюджетидан Фуқаролар ташаббуси жамғармасида 1 млрд сўмдан кам маблағ шаклланган туман ва шаҳарлар учун қўшимча 57.9 млрд сўм, Очик бюджет ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ортиқ туман ва шаҳарларга қўшимча 59.5 млрд сўм маблағ молиялаштириб берилган бўлиб, шундан Учқўрғон туманида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” да 100 тадан ортиқ таклиф киритилганлиги учун 500,0 млн сўм маблағ Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириб берилди.

Учқўрғон туманида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” ҳисобида 1 млрд 537.2 млн сўм маблағ шаклланди, овоз бериш якунига кўра, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида жамғармада шаклланган маблағ доирасида ЭНГ КўП овоз олганлардан бошлаб, пастга қараб, 4 та таклиф “ғолиб” деб топилди. Булар Учқўрғон тумани Ёркинхаёт МФЙ Самарқанд кўчасини ички йўлларини асфалтлаш (таклиф ID рақами 0870300091) харажатлари учун 100.0 млн.сўм маблағ ажратилган, Учқўрғон туман Шархончек МФЙ ички кўчаларига ичимлик

суви тармоғи тортиш (**таклиф ID рақами 0870300322**) харажатлари учун 500,0 млн.сўм, Учқўрғон туман Улуғбек МФЙ Тўмарис кўчасини ички йўлларини асфалтлаш (**таклиф ID рақами 0870300101**) харажатлари учун 700.0 млн.сўм ҳамда Учқўрғон туман Каттамоғол МФЙ Андижон кўчасидаги Ичимлик сув минорасини таъмирлаш (**таклиф ID рақами 0870300315**) харажатлар учун 200.0 млн.сўм жами туман бўйича 1 500,0 млн.сўм таклифлар қолиб деб топилди.

Қолиб деб топилган ташаббуслар халқ депутатлари туман кенгашининг 2021 йил 30 сентябрдаги сессиясида муҳокама қилиниб тегишли соҳа раҳбарларига ўз вақтида ишларни бажарилишини ва молиялаштириш чораларини кўриш кераклиги бўйича қарор қабул қилинди. Бугунги кунга келиб барча қолиб деб топилган ташаббуслар учун маблағлар тўлалигича молиялаштирилиб берилган ва ажратилган маблағлар доирасида лойиха сметалари тайёрланиб пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Лойиха сметаларига асосан пудратчи ташкилотлар томонидан белгиларган ишлар тўлиқ якунига етказилиб пудратчи ташкилотлар ҳисобига маблағлар 100 фоиз ўтказиб берилди.

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгаши,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан туман молия бўлими мудири Б.Холмирзаевнинг ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (М.Махкамов)га,

Жорий йилда ташкил этиладиган очиқ бюджет жараёнларида ҳар бир маҳалла ва қишлоқ аҳолисининг тўлақонли иштирокини таъминлаш учун ҳар бир маҳаллаларда ташаббускор бурчаклари ташкил этилсин ва бунинг асосида мобил гуруҳлар тузилиб улар рўйхатига маҳаллаларга бириктирилган ҳоким ёрдамчилари ва шу маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳам киритилсин.

3. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Б.Холмирзаев)га,

Жорий йил учун маҳаллий бюджет маблағларининг 5 фоизи, эркин қолдиқ маблағларининг 30 фоизи ҳамда 2021 йил учинчи чорак якунлари бўйича

махаллий бюджет даромадларининг ортиқча бажарилган қисмининг 30 фоиз маблағлари туман фуқаролар ташаббуси жамғармаси ҳисобига ўтказсин ва 2022 йил учун харажатлар сметасини шакллантирсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (модератори)га,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 26-сонли буйруғига асосан “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомининг иловаларида берилган жадваллар асосида маълумотларни шакллантирсин.

5. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (Р.Мадрахимов) жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ташаббуслар ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Туман ҳокимлиги расмий веб” сайтига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Туман бюджетининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

7. Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари (С.Собитхўжаев), Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари (Б.Болтабоев), туман ободонлаштириш бошқамаси бошлиғи (Б.Болтабоев) ва туман минтақавий йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи (Х.Атаханов)ларга, фуқаролар томонидан киритилган ташаббусларни қанчалик тўғри киритилганлиги ёки белгиланган суммалар амалга оширилиши керак бўлган ташаббуслар учун етарлигини тўлиқ кўриб чиқиб хулоса берсинлар.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси А.Мўминов ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаевлар зиммаларига юклатилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi



Yunusov X. O.

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг  
2022 йил 4 февралдаги  
VI-44-11-6-87-К/22-сон қарорига  
1-илова

2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағларини шакллантирилиши юзасидан  
МАЪЛУМОТ

Т/р	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилиши лозим бўлган маблағлар				Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар	Фарқи	Изоҳ
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
1	Туман (шаҳар) бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоиз қисми миқдоридан ажратилган маблағлар						0	
2	Туман (шаҳар) бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи миқдоридан ажратилган маблағлар	121,3	1 415,8	531,9	-	2 069,0	-	

2.1.	эркин қолдиқ маблағлари	81,9						
------	-------------------------	------	--	--	--	--	--	--

Шу  
жумладан

2.2.	даромадларнинг ҳисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисми	39,4	915,8	531,9				
2.3.	давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар							
2.4.	электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар							
2.5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган таъдбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарори билан Республика бюджетидан ажратилган маблағ		500,0					
<b>3</b>	<b>Жами ажратиладиган маблағлар</b>	<b>121,3</b>	<b>1 415,8</b>	<b>531,9</b>	<b>-</b>	<b>2 069,0</b>	<b>-</b>	

Халқ депутатлари Учқўрғон туман  
Кенгашининг  
2022 йил 4 февралдаги  
VI-44-11-6-87-К/22-сон қарорига  
2-илова

2021 йил Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича

МАЪЛУМОТ

1-жадвал

Т/р	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўм)	1	Йил бошига қолдик
2	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағлар*	2 069,0		
3	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар**	1 500,0		
3.1.	<i>Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташиқлотларга бажарилган ишлар учун тўланган маблағлар</i>	1 498,4		
3.2.	<i>Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташиқлотларга тўлаб берилмаган қолдиқ маблағлар</i>			
4	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдик маблағлар	570,6		

Халқ депутатлари Учқўрғон туман  
Кенгашининг  
2022 йил 4 февралдаги  
VI-44-11-6-87-К/22-сон қарорига  
3-илова

**2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағларини  
шакллантирилиши юзасидан**

**МАЪЛУМОТ**

Т/р	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган тақлифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	миқдори	сарфланган маблағлар
1	Худудий ички йўллар таъмирлаш	2	умумий узунлиги км	1,73	800 000,0
2	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
3	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
5	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
6	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш	2	умумий узунлиги км	1,79	700 000,0
7	Кўча чироқларини ўрнатиш		чироқлар сони		
8	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш		тадбирлар сони		
9	Бошқа тадбирлар		сони		
<b>жами</b>		<b>4</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>1 500 000,0</b>

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг  
2022 йил 4 февралдаги  
VI-44-11-6-87-К/22-сон қарорига  
4-илова

2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"дан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун  
йўналтирилган маблағлар юзасидан  
МАЪЛУМОТ

Т/р	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўпланган овозлар сони	шундан			Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)					
			онлайн овозлар	офлайн овозлар	SMS орқали		Тадбирни молиялаштириш учун очилган ҳисобварақ	Тадбирнинг фуқаро томонидан киритилган дастлабки қиймати	Тадбирни амалга ошириш қиймати*	Ажратилган маблағлар	Бажарилган ишлар учун тўлаб берилган маблағлар	Қолдиқ маблағлар
1	ID 0870300091	591	189	171	231	Учқўрғон туман Ёрқинхаёт МФЙ Самарқанд кўчасини асфалтлаш	401722860142347045203118001	100 000,0	100 000,0	100 000,0	100 000,0	0,0
2	ID 0870300322	529	0	250	279	Шаҳрихончек МФЙ ички кўчаларига ичимлик суви тармоғи тортиш	401722860142347063100018001	500 000,0	498 669,5	500 000,0	498 669,5	1 330,5
3	ID 0870300101	507	2	194	311	Учқўрғон туман Улуғбек МФЙ Тўмарис кўчасини асфалтлаш	401722860142347045203118002	700 000,0	700 000,0	700 000,0	700 000,0	0,0

4	ID 0870300315	479	4	147	328	Қатгамоғол МФЙ Андижон кўчасидаги башнани таъмирлаш керак	401722860142347063100018002	200 000,0	199 700,4	200 000,0	199 700,4	299,6
<b>Жами:</b>								<b>1 500 000,0</b>	<b>1 498 370,0</b>	<b>1 500 000,0</b>	<b>1 498 370,0</b>	<b>1 630,0</b>